

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 338.45:67/68(575.1)

ДОСИМОВ ЖАВЛОНБЕК РУСТАМОВИЧ

**МАВЗУ: ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ
("UZTECH TASHKENT" ҚЎШМА КОРХОНАСИ МИСОЛИДА)**

5A230201 - "Менежмент" (реал сектор)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий рахбар: проф.Н.Қ.Йўлдошев

Тошкент – 2018

Магистрлик диссертациясида тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришнинг методологик тамойилларининг асослари ўрганилган. Мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш натижасида тадқиқот объекти бўлган "UZTEX TASHKENT" қўшма корхонасида иқтисодий тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришнинг методологик тамойилларини ўрганиш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this master's dissertation He scientific, theoretical and methodical foundations of implementing the innovations on production during modernization of the economy has been studied. Scientific and practical recommendations on improving the effectiveness and implementing the innovations on production during modernization the economy the research object "UZTEX TASHKENT" SC have been developed.

Магистрлик диссертация иши "Менежмент" кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

6 - сонли баённома «15» май 201 й.

Кафедра мудири

Н. Ўлдошев
(и.ш.ф.)

имзо сана

Илмий раҳбар:

Н. Ўлдошев
(илмий раҳбар и.ш.ф.)

имзо сана

Такризчи:

Т. Қасимов
(такризчи и.ш.ф.)

имзо сана

Магистрант:

М. Давидов
(магистрант и.ш.ф.)

имзо сана

Мундарижа

Кириш.....	4
I боб. Тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришнинг методологик тамойиллари.....	8
1.1. Менежмент тамойиллари ва уларнинг мазмуни.....	8
1.2. Корхонани бошқариш жараёнлари ва усуллари.....	19
1.3.Тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари.....	29
I боб бўйича хулоса.....	36
II боб. “UZTEX TASHKENT” қўшма корхонасида менежмент тамойилларини татбиқ этиш.....	38
2.1.“UZTEX TASHKENT” қўшма корхонасини ривожланиш ҳолати.....	38
2.2 “UZTEX TASHKENT” қўшма корхонасида менежмент тамойилларини татбиқ этиш ҳолати.....	46
II боб бўйича хулоса.....	63
III боб. Тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришда методологик тамойилларни татбиқ этиш самарадорлиги.....	64
3.1.“UZTEX TASHKENT” қўшма корхонасини бошқарув тизимини замонавий тамойиллар асосида такомиллаштириш йўналишлари.....	64
3.2.“UZTEX TASHKENT” қўшма корхонаси фаолиятининг ривожланишини таъминловчи йўллар ва унинг устувор йўналишлари.....	67
3.3.Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг методологик тамойилларини такомиллаштириш.....	71
III боб бўйича хулоса.....	75
Хулоса ва таклифлар.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини корхоналарини ривожлантиришнинг методологик тамойиллари ташкил этади. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодиётнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг корхоналарини ривожлантиришнинг методологик тамойиллари муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интеграция механизмининг асосини ташкил қилади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан тасдиқланган Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам “иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга қаратилгандир” – деб